

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуригимиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2013 йил 17 сентябрь • сешанба № 35 (875)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz

www.insonvaqonun.uz

www.insonvaqonun.adiya.uz

Тараққиётнинг ҳуқуқий асослари

адлия тизими фаолиятини такомиллаштиришда



МУСТАҚИЛЛИК ўзбек халқининг азалий орзуси, улут аждодларининг армони эди. Не бахти, бугун ўзини англаган ҳар қайси юртошимизга ҳар йили асрга татиqliк даврда яшаш, мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига дахлдорлик ҳиссини туйиш насиб этмокда.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ таъбири билан айтганда, биз юртимизда янги ҳаёт барпо этишининг биринчи кунларидан бошлаб ҳақиқий эркинлик ва истиқлолга эришиш фақат мустақилликни қўлга киритиш эмас, балки уни ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан қўриш ва мустаҳкамлаш, халқаро ҳамжамиятда ўзимизга муносиб ўрин эгаллашдан иборат эканини англаб олдик.

Мустақиллик, аввало, ҳуқуқ эканини, фақат мустақиллик орқалигина шахс ўз қадр-қиммати, ғурурини ҳамжамиятда ўзимизга муносиб ўрин эгаллашдан иборат эканини англаб олдик.

Мамлакатимизнинг сунгги йилларида икки йиллик тараққиёти давомида қўлга киритилган ютуқлар қозғога туширилса, шубҳасиз, том-том асарларга мавзу бўлади. Аҳамиятли жиҳати шундаки, "Ислохот — ислохот учун эмас, аввало, инсон учун, унинг манфаатлари учун", деган эзгу тамойил халқимизни ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қўриш йўли-

да бирдек сафарбар этиб, барча ютуқларимизнинг ҳаётбахш манбаи бўлиб келаётди. Бу Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қароридан ҳам алоҳида эътироф этилди.

Дарҳақиқат, юртимизда амалга оширилган барча ислохотлар замирида инсонга, унинг манфаатларига ҳуқуқ ҳурмат ва эҳтиром мужассам. Тарихан қисқа вақт ичида инсон қадр-қиммати, шаъни, ҳуқуқ ва эркинликлар дахлсизлигини кафолатлашга қаратилган қонунчилигимиз умуминсоний тамойиллар ва миллий қадриятлар асосида ривожлантирилди. Бу эса барча соҳаларда эришилган ютуқларнинг бош омилли эди, десак муболага бўлмайди. Энг муҳими, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танлаган Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш тараққиётнинг, давлат қўрилиши, ички ҳамда ташқи сиёсат-

нинг устувор йўналиши сифатида белгиланди.

"Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да таъкидланганидек, суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган ислохотлар, унинг натижалари жамиятимизда қонун устуворлигини қарор топтиришда муҳим аҳамият касб этибгина қолмай, бошқа давлатлар учун ҳам ўрнак бўлмокда.

Олиб борилаётган изчил ислохотлар барча соҳалар қатори қонунчилик тизимини ҳам такомиллаштириб, янгилаб боришни тақозо этмокда. Мазкур жараён адлия органлари зиммасига катта масъулият юклайди. Шундан келиб чиқиб, қонун ижодкорлиги йўналишидаги фаолиятимизни замон талаблари даражасида ташкил этишда барча имконият ва интеллектуал салоҳият ишга солиномкода.

Хабарингиз бор, Юртошимиз томонидан илгари сурилган Концепцияда "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонунни янги таҳрирда қабул қилиш ҳамда шу орқали соҳада қонунийликка эришилсингиз энг самарали механизмларини яратиш, тайёрланаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунларга, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларга мос бўлишини таъ-

минлаш зарурлиги алоҳида таъкидланган эди. Адлия вазирлиги томонидан қонундаги талаблардан келиб чиқиб, қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси ишлаб чиқилди. Қонун ҳуқуқий ислохотлар талаблари асосида қўллаб қоида ва нормалар билан тўлдирилди. Айни чоғда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнига бўлган талаблар қўйилди. Бир сўз билан айтганда, янги таҳрирдаги қонун идоравий норма ижодкорлиги фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш имконини беради.

Ҳуқуқий экспертизалар жараёнида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси самарадорлигини оширишга ҳам алоҳида аҳамият қаратилмокда. Бунда коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаб бартараф этиш, таъсирини чеклашга оид тақлифлар ишлаб чиқилмокда.

Умуман, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вазирлик томонидан 23 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат, жумладан, 7 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. 692 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилган бўлса, 767 таси давлат ҳисобига олинди.

Яна бир гап. "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги қонун

лоийҳаси Президентимизнинг Фармойиши асосида ҳозир Бухоро ва Самарқанд вилоятларида синовдан ўтказилмокда ва мазкур экспериментда адлия органлари ҳам фаол иштирок этмокда. Бу ҳуқуқ амалиётида ўзига хос ноёб тажриба бўлиб, қонун лойиҳасини маромига етказишда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Халқимиз ҳаётида азал-азалдан муҳим таъдбиркорлик, ишбилармонлик алоҳида ўрин тутган. Соҳибқирон Амир Темурнинг "Азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир", деган сўзлари айнан мустақиллик йилларида янги маъно-мазмунга эга бўлди. Тарихий анъаналаримиз асосида кичик бизнесни ривожлантириш ва рағбатлантириш мамлакатимизнинг бугуни ва эртасини белгиловчи муҳим масалалардан бири сифатида эътироф этилди.

Ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга оид чора-тадбирларни белгилаш, 80 та руҳсат берувчи тартиб-қоида, фаолиятнинг 15 тури бўйича лицензиялашни бекор қилиш, шунингдек, статистика ҳисоботларини тақдим этиш шакллари ва даврийлигини 1,5-2 бараварга қисқартириш, бу масалаларни норматив-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда адлия ходимлари ҳам фаол иштирок этдилар.

Тизим тадбирлари

Ҳуқуқий эксперимент — ноёб тажриба

Уни амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларининг иштироки

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ адлия бошқармаси ташаббуси ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлини асосида амалга оширилган "Ҳуқуқий эксперимент — ноёб тажриба. Уни амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларининг иштироки" мавзусида ўқув-семинар ташкил этилди.

Ўқув-семинарда эксперимент жараёни иштирокчиларининг янада фаолликларини таъминлаш учун амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар ҳамда уларнинг ахборот олиш борасидаги ҳуқуқлари тўғрисида ба-тафсил назарий ва амалий тушунчалар берилди.

Самарқанд вилояти адлия бошқармасининг интернет ресурсидаги www.samarqand.adiya.uz саҳифасида жойлашган веб сайти орқали фуқаро ва юридик шахслар масофадан турган ҳолда муҳожаат (шижоят, ариза) қўлдиришлари билан бирга, адлия соҳасига тааллуқли масалада керакли маслаҳат олишлари мумкинлиги қайд этилиб, веб сайт тақдироти ўтказилди. Иштирокчилар адлия бошқармасида ҳуқуқий эксперимент жараёнининг бориши, ахборотдан фойдаланувчилар учун яратилган шароитлар, сўровларни қўриб чиқиш ва ахборотларни тақдим этиш хонаси билан яқиндан танишдилар.

Ўқув-семинар якунида Юртошимиз Фармойишида алоҳида белгиланганидек, ижтимоий сўровлар, қонун лойиҳаси нормаларини реал вақт шароитида синовдан ўтказиш ва уни такомиллаштириш юзасидан тақлиф ва тавсиялар тайёрлаш самарадорлиги масалаларига катта эътибор қаратилиши лозимлиги таъкидланди.

Ҳамкорликни кенгайтириш

"ўчинчи сектор" ривожини таъминлойд

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҳамда Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан манфаатдор идоралар, 60 дан ортиқ нодавлат-нотижорат ташкилотлари, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирокида "Нодавлат-нотижорат ташкилотлар фуқаролик жамияти қўриш асоси" мавзусида анжуман ташкил этилди.

УНИ ЎТКАЗИШДАН мақсад, республикада фуқаролик жамиятини шакллантириш янада чуқурлаштиришда ННТ фаолияти билан боғлиқ бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини тушунириш ва ҳуқуқий саводхонлигини янада оширишдан иборатдир.

Анжуманда қайд этилганидек, "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг қарорларини таъминлаш тўғрисида"ги ва "Ҳокимият тўғрисида"ги қонунлар ННТ фаолиятини ҳар жиҳатдан такомиллаштириш, ижтимоий ҳамкорлик қилиш орқали ривожланишига хизмат қилмокда. Шунингдек, тадбирда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида йиғилганларга атрафлича маълумот берилди.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини янада қўлайитириш, уларнинг истиқболлини белгилаб берадиган хорик тажрибаси каби масалалар атрафлича муҳокама этилди.

Ижтимоий фаоллик

касбий малака ва хабардорлик даражасини оширади

ФУҚАРОЛИК жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Наманган вилояти ҳудудий бўлини асосида, вилоят адлия бошқармаси ҳамда ЎЗННТМА Наманган вилояти ресурс маркази ҳамкорлигида "ННТ раҳбарлари ва фаолларининг касбий малакалари ва хабардорлик даражасини ошириш масалалари" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

БУГУН ВИЛОЯТДА 385 та нодавлат нотижорат ва жамоат ташкилоти фаолият олиб бормоқда. Улардан 52 таси давлат рўйхати асосида, 333 таси ҳисоб рўйхати асосида ташкил этилган. Бу кўрсаткич йилдан-йилга ҳам сифат жиҳатдан, ҳам сон жиҳатдан ошиб бормоқда. Шу билан бирга "ўчинчи сектор"нинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ҳам мунтазам ошаётганлиги сир эмас.

Айни пайтда, рақамлардан қўринадики, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат Фонди томонидан 2008-2012 йиллар давомида эълон қилинган грант танловларига Наманган вилояти нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда нодавлат оммавий ахборот воситалари томонидан тақдим этган лойиҳалар сон 205 тани ташкил этиб, улардан 38 таси ушбу Фонд томонидан молиялаштирилди.

Тадбирда грант танловларида иштирок этиш, тегишли ҳужжатларни тайёрлаш ва расмийлаштириш, ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфлашни, ННТларнинг давлат солиқ, статистика органларига тақдим этилган ҳисоботлари, бу соҳаларда уларга яратилган имтиёз ва енгилликлар ҳусусида атрафлича тушунчалар берилди ҳамда ННТларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ижтимоий шерикликда амалга оширадиган галдаги вазифалари юзасидан келишиб олинди.

Адлия вазирлиги Ахборот хизмати

Ўқув-машғулот

Инсон қадри умр мазмуни

— ТУҒИЛИШ, балоғат, мустақил ҳаёт ва кексалик. Булар инсон умри мезонларини белгиловчи даврлардир. Ана шу давларни қандай ўтказиш эса ўз қўлимизда. Аксарият одамлар яхши ишлари-ю амаллари билан умргузаронлик қилади. Бир сўз билан айтганда, ҳар бир инсон ҳаётдан ва умридан мазмун қидиради, — дейди Адлия вазирлигида ўтказилган ўқув-машғулот меҳмони Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришнинг мувофиқлаштириш қўмитаси бош мутахассиси, социология фанлари номзоди, доцент Шоҳида Содиқова.

Ҳаётимиз давомида кимгадир қувонч улашиш билан айрим ҳолларда эса биллиб-билмай кимгадир ташвиш орттириб

ҳаёт "қундалиги"мизни тўлдириб борамиз. Бахтиёр ҳамда маҳзун лаҳзаларга шерик бўламиз. Ўтиб бораётган кунларимиздан гоҳида маъно қидирсак, гоҳида эса ташвишлар билан ўралашиб парво қилмаймиз. Бу ҳам аслида инсонлар фалсафаси билан боғлиқ жараён.

Тадбирда таъкидланганидек, умр мазмунини ҳар қим ўзинча талқин қилади. Уни биров ўзининг севган машғулотли билан шуғулланаётганида кўрса, бошқаси эса фарзандларининг камолида қўриши мумкин. Нима бўлганда ҳам хайрли ишлар билан шуғулланиш, қилган амалларидан кексалик даврида афсусланмаслик, босиб ўтган йўлидан фохрланиш умр мазмунининг асосини ташкил қилади.

Кизгин тарзда ўтган машғулот сўнггида, иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди ва мавзу бўйича келгусида яна суҳбат қилиш тақлифини билдиришди.

Адлия вазирлиги Ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси

Шу сонга хабар

Қонун ижодкорлиги жамиятда муҳим аҳамият касб этади

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Адлия вазирлигида "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрири, Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат ҳисоби тўғрисидаги низом ҳамда Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома, Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш қондаларининг мазмун-моҳиятини тушуниришга бағишланган ўқув-семинар бўлиб ўтди.

Тадбирда иштирок этган Адлия ва-

зирлиги бошқарма бошлиғи, ишчи гуруҳи раҳбари ўринбосари И.Турғунов таъкидлаганидек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 104-моддаси, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддаси ҳамда "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонуннинг 14-моддасига мувофиқ маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида тегишли ҳудуддаги барча қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар, шунингдек, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан баҳарилиши мажбурий бўлган қарорлар шаклида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг Консти-

туцияси ва қонунлари, Олий Мажлис палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг, шунингдек, юқорида турувчи маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари асосида ва уларни ижро этиш учун қабул қилинади.

"Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонуннинг 22-моддасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши шартлиги ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг ҳуқуқий экспертизаси ҳудудий адлия органлари томонидан амалга оширилиши белгиланган.

Бунда ҳуқуқий экспертиза норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг Ўзбекистон Респуб-

ликаси Конституцияси, қонунлари, Президент ва ҳукумат қарорларига, шунингдек, қонунчилик техникасига мувофиқлигини текширишга қаратилган.

Адлия вазирлиги 2008 йил 10 сентябрдаги буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат ҳисоби тўғрисидаги Низомга (рўйхат рақами 1856, 2008 йил 10 сентябрь) асосан Адлия вазирлиги томонидан барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг давлат ҳисоби юритилди.

Хулоса қилиб шунга айтиш мумкинки, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норма ижодкорлиги фаолияти жамиятда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, бу мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотларни амалга ошириш учун йўл очиб берадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқий қўллаш соҳасида давлат сиёсатини юритишга ёрдам беради.

(Ўз мухбиримиз)

Тараққиётнинг ҳуқуқий асослари

адлия тизими фаолиятини такомиллаштиришда

(Давоми.
Боши биринчи бетда)

Адлия вазирлиги тadbиркорлик субъектлари, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Соҳага оид айрим муаммоларни бартараф этиш ҳамда тadbиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қўлай шарт-шароитни яратишга оид қонунчилик базасини такомиллаштириш юзасидан бир қатор тақлифлар тайёрланди. Жумладан, **“Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”**ги Қонундаги айрим ҳуқуқий асослар бўйича амалдаги қонунларга ўзгаришлар киритиш ҳақида қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

“Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонун янги тахрирда, **“Тadbиркорлик субъектларини суд орқали ҳимоя қилишни янада мустаҳкамлаш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”**ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур лойиҳалар соҳадаги муносабатларни такомиллаштириш, тadbиркорларга янада кенгрок эркинлик бериш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Маълумки, давлатимиз томонидан мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб ёшларимизнинг ҳам жисмонан, ҳам маънан етук авлод бўлиб ўлгайиши йўлида улкан ишлар амалга оширилди. Бу ўтган йили февраль ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққиёт эитириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарт”и мавзусидаги халқаро конференцияда ҳам ўз исботини топди. Унда қат-

нашган минг нафар иштирокчи, жумладан, дунёнинг 50 га яқин давлатидан, бир қатор халқаро ташкилот ва таълим жамғармаларидан келган 270 вакил “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Қадрлар тайёрлаш Миллий дастурини жорий этиш борасидаги Ўзбекистон таърибасини халқаро миқёсда ўрганиш мақсада мувофиқ, деб эътироф этди.

Мустақиллик йилларида олий таълим тизимининг таркибий қисми сифатида юридик таълимни тубдан ислоҳ қилиш, ёш ҳуқуқшуносларни ёш ҳуқуқшунослар билан ҳам таъминлаш билан ҳам таъминлаш баркамол қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз томонидан шу йилнинг 28 июнида қабул қилинган **“Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Қарори, шубҳасиз, юридик таълим сифати ва самарадорлигини оширишда дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Ушбу Қарорга мувофиқ Адлия вазирлиги ҳузуридаги Тошкент давлат юридик институти университетга айлантирилди. Ҳозир ТДУЮнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўқув, илмий-методик бўлинмалари ва кафедраларини замонавий техник воситалар, ахборот-коммуникация тизимлари ва дастурий мажмуалар билан таъминлаш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, ўқув корпуслари янги бинолар ҳисобига кенгайтирилмоқда. Талаба ва ўқитувчилар учун замонавий хизмат кўрсатишга мўлжалланган комплекслар бунёд этилди. Ушбу сайёҳаракатлар ўқув-тарбия жараёнини оптимлаштириш, ўқувни бир сменили тартибда олиб бориш, энг асосийси, назария ва амалиёт уйғунлигига эришиш имконини беради.

Қарор асосида университетда янги йўналишлар очилгани, жумладан, “Тadbиркорлик-ҳуқуқий фаолият (бизнес ҳуқуқи)” йўналиши бўйича ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлашнинг белгилангани ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки бу — мамлакатимиздаги иқтисодий масалаларнинг самарали ҳуқуқий ечимини топиш, Ўзбекистоннинг иқтисодий манфаатларини халқаро майдонда ишонч-



ли ҳимоя қилиш имконини беради. Шу билан бирга, ёшларимизнинг халқаро иқтисодий муносабатлар билан боғлиқ ҳуқуқий билимларини янада чуқурлаштиришга хизмат қилади.

Юристар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш соҳаси ҳам ҳуқуқимизнинг диққат-эътиборида бўлиб, махсус қарор асосида Юристар малакасини ошириш марказининг тизимаси ва янги тахрирдаги устави тасдиқланди. Ўтган йили Президентимизнинг **“Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги ва **“Судлар фаолиятини янада такомиллаштиришга оид ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”**ги фармонлари қабул қилинди. Уларда бошқа манфаатдор идоралар қатори адлия органлари зиммасига ҳам вазифалар юклатилди.

Юрбошимизнинг **“Судлар фаолиятини янада такомиллаштиришга оид ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”**ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида вазирлигимизнинг махсус буйруғи қабул қилинди. Унда судья лавозимига захирага киритиш учун номзодларни танлаш, тайёрлаш, тақдим этишда адлия органлари ва муассасаларнинг бевосита иштирокини таъминлаш, Олий суд, Олий ҳўжалик суди ва судьяларнинг малака ҳайвотлари билан узвий ҳамкорлик механизмларини жорий қилиш, судьялик лавозимларига номзодларни тавсия этиш жараёнида очиклик ва ошкораликни таъминлаш бўйича зарур таъминотлар белгиланди.

Адлия органлари ва муассасаларида судья лавозимига захирага киритилган номзодларнинг ёши, мутахассислиги бўйича иш стаж, касбий маҳорати ва

Ушбу қарор билан 2012-2015 йиллари Республика суд экспертизаси марказини ривожлантириш дастури тасдиқланди. Марказда рақамли технологиялар, электроракетик монтаж белгилари асосида аудио ва видеоманбаларни комплекс тадқиқ қилиш; ер участкаларига бўлган эгалик ҳуқуқлари қиймати баҳолаш; ташқи савдо фаолиятининг суд-иқтисодий экспертизаси; суд-экологик экспертизаси; суд-сиёсатшунослик-лингвистик экспертизаси; суд-филологик экспертизаси каби тадқиқотларнинг янги турларини жорий этиш режалаштирилган.

Адлия вазирлигининг яна бир муҳим тузилмаларидан бири — Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти томонидан суд қарорларини мажбурий

Тергов органлари ва судлар фаолиятида жиҳотларни очиш, одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ фантехника ютуқларидан самарали фойдаланиш тобора кенгайиб бормоқда. Шу жиҳатдан мамлакатимизда суд экспертизасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундан ташқари Марказимизнинг 2012 йил 14 ноябрдаги **“Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Хадича Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”**ги қарори мисолида ҳам кўриш мумкин. Ушбу ҳужжатга асосан Марказий Осиёда ягона бўлган Республика суд экспертизаси марказининг моддий-техник базасини, кадрлар салоҳиятини, фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, суд экспертизаларининг сифати ва ишончилигини ошириш, соҳага оид илмий-тадқиқот ишларини такомиллаштириш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.

Ушбу қарор билан 2012-2015 йиллари Республика суд экспертизаси марказини ривожлантириш дастури тасдиқланди. Марказда рақамли технологиялар, электроракетик монтаж белгилари асосида аудио ва видеоманбаларни комплекс тадқиқ қилиш; ер участкаларига бўлган эгалик ҳуқуқлари қиймати баҳолаш; ташқи савдо фаолиятининг суд-иқтисодий экспертизаси; суд-экологик экспертизаси; суд-сиёсатшунослик-лингвистик экспертизаси; суд-филологик экспертизаси каби тадқиқотларнинг янги турларини жорий этиш режалаштирилган.

Адлия вазирлигининг яна бир муҳим тузилмаларидан бири — Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти томонидан суд қарорларини мажбурий

ижро этиш самарадорлигини ошириш, судларнинг моддий-техник таъминотини яхшилаш, суд биноларини қуриш, капитал таъмирлашда ҳам салмоқли натижаларга эришилди. Суд ижрочиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун малака ошириш курслари ташкил этилди.

2012 йил 29 декабрда суд қарорларининг ижро этилишини таъминлаш, Суд департаменти органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш ҳамда суд ижрочилари меҳнатини моддий рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш мақсадида Президентимизнинг **“Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Қарори қабул қилинди. Ушбу Қарор билан суд ижрочиларининг туман (шаҳар) бўлимларини тоифалаштириш тизими жорий этилди ҳамда Суд департаменти ва унинг ҳудудий бўлимларининг намунавий тузилмалари тасдиқланди. Унга кўра, Суд департаменти ва унинг ҳудудий бошқармаларида тегишли равишда суриштирув ва маъмурий амалиёт бўлими ҳамда суриштирув секторлари ташкил этилди.

Бугун адлия органлари ва муассасалари мустақиллигини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида муҳим вазифаларни амалга оширмоқда. Қонун устуворлиги ва қонунчиликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш борасида эришилган ютуқлар барчамизда фтиҳор туйғусини уйғотиш билан бирга, зиммамизга улкан масъулият юклайди.

Адлия органлари ва муассасалари бундан буён ҳам мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида астойдил фаолият олиб боради. Истагимиз — истисколимиз нурафшон бўлиб, мамлакатимиз янада раванак топсин ва халқимизнинг турмуш фаровонлиги бундан ҳақ оқсалай, адалат тамойили мудом устувор бўлсин. Зеро, адалат жамиятнинг ҳам, давлатнинг ҳам энг буюк маънавий таъинчидир.

Нигматилла Йўлдошев,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири

Имконият

Самарадорлик замини

тadbиркорларга берилаётган эркинлик ва енгилликларда намоён бўлмоқда

МАМЛАКАТИМИЗДА ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг учдан икки қисми ҳуқуқий субъектларнинг ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу, албатта, давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз томонидан тadbиркорликка кенг йўл очиб берилаётганининг самарасидир. Жумладан, Президентимизнинг 2011 йил 12 майдаги **“Тadbиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Қарорига асосан 2011 йил 1 июндан бошлаб, янги ташкил қилинаётган масъулият чекланган ва қўшимча масъулият жамиятлар устави фонднинг энг кам ҳажми давлат рўйхатидан ўтиш учун ҳужжатлар тақдим этилган санада қонунчиликда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг эллик баробаридан қирқ баробаригача камайтирилди.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2012 йил 16 июлдаги **“Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги ҳамда шу йилнинг 18 июлидаги **“Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тadbиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги фармонлари асосида тadbиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда тadbиркорларга берилган имтиёزلарни кўрсатиш мумкин.

Мазкур Фармонга кўра, 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб, рухсат беришга оид 80 та тартиб-таомил, лицензияланадиган фаолият турларининг 15 таси бекор қилинди. Шунингдек, хорижий инвестиция ва хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарни рўйхатдан ўтказиш пайтида киритилиши лозим бўлган устав фонднинг бир қисми шаклланишини тасдиқловчи ҳужжатларни олиш, банкда ҳисоб рақамини очиш учун нотариал тасдиқланган имзо намунасини талаб қилиш бекор қилинди ҳамда тadbиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш пайтида керакли фирма номлари захирага олинганларини тасдиқловчи ҳужжат интернет тармоғи орқали статистика органлари томонидан ариза қабул қилинган пайтдан бошлаб 4 иш соати давомда тақдим қилиниши белгиланди. Буларнинг барчаси, мамлакатимизда хорижий инвестиция ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг сони кескин

қўлайлишига, ўз навбатида, давлатимизга қираётган инвестиция оқимининг ошишига сабаб бўлмоқда.

Мисол тариқасида, биргина Тошкент вилоятида адлия бошқармаси томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган хорижий инвестиция ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона давлат рўйхатидан ўтказилган бўлса, 2012 йилнинг II чорагида 10 та хорижий корхона давлат рўйхатидан ўтказилган. Бу кўрсаткич 2013 йилнинг II чорагига келиб, 13 тани ташкил қилди. Бу эса мамлакатимизга кириб келаётган инвестициялар оқимининг янада қўлайлишидан ва айни дамда қўшимча иш ўрни вужудга келишидан ҳамда фуқароларнинг турмуш даражаси янада ошишидан далолат беради.

Уйлаймики, мазкур соҳада қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар келажакда хорижий инвестиция ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг фаолиятини амалга оширишда уларга яратилган имтиёз ва қўлайликларнинг ҳуқуқий қафолати бўлиб хизмат қилади. Зеро, мамлакатимизда мазкур соҳада амалга оширилаётган ислохотлар бозор иқтисодиётининг асоси бўлган тadbиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш борасидаги устувор йўналишлардан бири бўлиб қолаверади.

Ёкуб БОКИЕВ,
Тошкент вилояти
адлия бошқармаси
масъул ходими

БОЗОР иқтисодиётининг муҳим белгиси ҳусусий бизнес ва тadbиркорликдан иборат бўлиб, унинг эркин ривожланиши миллий иқтисодий тараққиётнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда ҳусусий мулк ва тadbиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ўтган йили Президентимиз томонидан қабул қилинган **“Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги ҳамда **“Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тadbиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари**

— ҳудуди шундай лицензия ва рухсатнома характеридagi ҳужжатлар олиш учун тўланадиган йиғимлар миқдори каммида икки баробарга арзонлаштирилиши белгиланди.

Юридаги фармонларга асосан тadbиркорлик фаолияти учун шарт-шароитларни янада яхшилашга йўналтирилган 2012 йил 1 августдан жорий этиладиган аниқ мезъ-ёр ва чора-тадбирлар тасдиқланди.

Чора-тадбирлар қуйидаги 5 та асосий соҳаларни ўз ичига олади:

1. Тadbиркорликни рўйхатдан ўтказиш ва тadbиркорлик фао-

Имтиёз Иқтисодий юксалишлар илдиизи тadbиркорликнинг ривожига боғлиқ



тўғрисида”ги фармонларининг қабул қилиниши мамлакатимизда бизнесни юритиш учун ҳуқуқий шарт-шароитларни умумқўл қилинган халқаро мезъ-ёр ва стандартларга етказишда муҳим аҳамият касб этди, десам муболага бўлмайди.

Хусусан, мазкур фармонларга асосан:

— статистик, солиқ ва молия ҳисоботларининг бир қанча турлари бекор қилинди, шундай ҳисоботлар миқдори камайтирилди, уларни тақдим этиш даврийлиги қисқартирилди;

— рухсат беришга оид 80 та тартиб-таомил ҳамда 15 та фаолият турининг лицензияланиши бекор қилинди;

— мазкур Фармонга кўра айрим фаолият турлари учун лицензиялар муддат чекланмаган ҳолда берилиши белгиланди;

— тadbиркорлик субъектлари томонидан илгари кўрсатилган камчиликлар бартараф этилиб, тақдоран ариза тақдим этилганда янги асослар бўйича лицензия ва рухсатномалар беришдан бош тортиш тақиқланди;

лиятини бошлаш соҳасидаги аниқ мезъ-ёр ва чора-тадбирлар:

— ҳўжалик субъектлари учун рўйхатдан ўтганга қадар устав фонднинг бир қисмини шакллантириш ҳақидаги талаб бекор қилиниши;

— фирма номини резерв қилиш учун статистика органларидан ариза интернет тармоғи орқали кун давомида қабул қилиниши ва 4 соат ичиде қўриб чиқирилиши тартиби жорий этилиши;

— электрон рақамли имзо қилиниши бериш учун тўлов миқдори минимал иш ҳақининг 20 фоизидан 10 фоизгача камайтирилиши;

— имзо намунасини нотариал тасдиқлаш тартиби, қичиқ тadbиркорлик субъектлари — микрофирмалар учун имзо намунаси қарточкасида иккинчи имзони (ҳисобчи) талаб этилишининг бекор қилиниши;

— сув ва канализацияга улаиш учун рухсатномалар бериш муддати 2 иш кунини қилиб;

— тadbиркорлик субъектларини телефон алоқасига улаш бўйича ишлар 10 иш кунини муддати ичиде амалга оширилиши белгиланди.

II. Шартномавий муносабатлар

ва шартнома шартларини бажарилиши учун жавобгарлик соҳасидаги чора-тадбирлар:

— уй-жой олди-соти, алмаштириш, ҳада, рента ва умрбод қараш шарт билан уй-жойни бошқа шахсга ўтказиш шартномаларини нотариал тасдиқлашга улаиш давлат божини қар бир квадрат метр учун энг кам иш ҳақи 2 фоиздан 1 фоизгача камайтириш;

— кредит ташкилотлари томонидан қарз ва кредит суммасини ўндириш юзасидан фуқаролар ишлари бўйича судларга киритиладиган давво аризалари бўйича давлат божини 20 фоиздан 2 фоизга камайтириш.

III. Ташқи иқтисодий алоқалар соҳасидаги чора-тадбирлар:

— банклар томонидан импорт-экспорт контрактларини банк муассасаларида ҳисобга қўйиш муддатини 8 соат қилиб белгилаш;

— божхона томонидан юкларни расмийлаштириш ва товарнинг келиб чиқиш бўйича сертификатини бериш муддатини 3 иш кунини қилиб белгилаш;

— экспорт қилинадиган товарнинг келиб чиқиш бўйича сертификатини бутун контракт объектмига бериш;

— импорт қилинадиган товарлар учун “Ўзстандарт” агентлиги томонидан мувофиқлик сертификатини бериш муддатини 10 иш кунини қилиб белгилаш;

— Ўзбекистон Республикаси ҳудудида импорт юкларини маҳаллий автоюкташувчилар томонидан божхона кузатувисиз ташвиш.

IV. Меҳнат муносабатлари соҳасидаги чора-тадбирлар:

— ишлаб чиқариш фаолиятида нобў таъриба ва юқори малакага эга бўлган чет эллик фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасида меҳнат фаолиятини амалга оширишга рухсат бериш 15 иш кун ичиде амалга оширилиши;

— эркин иқтисодий зонада жойлашган корхона юқори малакали ишларни бажаришга тақлиф қилинган хорижий фуқароларнинг ҳужжатларини қўриб чиқиш ва расмийлаштириш 3 кун ичиде амалга оширилиши;

V. Бошқа соҳалардаги чора-тадбирлар:

— ҳўжалик судларида банкротлик ишларини қўзғатишга ариза берганлик учун давлат божни ставкаси энг кам ойлик иш ҳақининг 20 бараваридан 3 бараваригача туширилиши;

— устав фондида давлат улуши бўлмаган юридик шахсга мулк зарар етказилганда мансабдор шахснинг, мулкдорнинг ёки мазкур юридик шахснинг ваколатли бошқарув органининг аризаси бўлмаса, корхона раҳбари ёки илчиси ҳақини ёки бошқа тарздаги жавобгарлик қўлланилмаслиги белгиланди.

Тadbиркорларга яратилган бундай имконият ва имтиёزلар уларнинг эркин фаолият юритишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Озод БЕГМАТОВ,
Адлия вазирлиги
масъул ходими

Адлия ёрдам берди

Телефон тармоғига улаиш учун бир ой кутишга тўғри келди

БУГУН кундалик ҳаётимизни ахборот технологияларисиз тасаввур қилиш қийин. Бу давр тақозоси.

ШУ БОИС Фаргона шаҳридаги “ККМК-77”, “THE EVEREST TRADE GROUP” ва “Sigma pharm” масъулият чекланган жамиятлари раҳбарлари телефон ҳамда интернет тармоғига улаишни сўраб, Фаргона шаҳар телекоммуникациялар боғланмасига ариза билан мурожаат қилишди. Идора раҳбари эса ушбу аризаларни ваколатига кўра бош муҳандис Носиржон Жўракуловга чиқарди. Аммо...

Н.Жўракулов уларни ўз мурдатига қўриб чиқиб, хал қилимди. Масалан, “ККМК-77” ва “Sigma pharm” МЧЖ директорларининг аризаси бир ойда, “THE EVEREST TRADE GROUP” МЧЖ мурожаати эса ўн икки кунда ҳал этилди. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг Адлия вазирлигига 2012 йил 31 июлда 1323-рақам билан рўйхатга олинган “Умумий фойдаланишдаги телекоммуникациялар тармоғига телефон алоқа хизматларини кўрсатиш қондаларига ўзгариш ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги буйруғида телефон тармоғига улаш бўйича ишлар 10 иш кунда амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилган. Ҳўш, бош муҳандиснинг бу масъулиятсизлигини қандай тушуниш мумкин?

Бундан қанчалки, Кўкон шаҳар “Сувоқава” ишлаб чиқариш унитар корхонасининг техник ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Носиржон Ходжаев ҳам адаши Н.Жўракулов каби тadbиркорлар манфаатига путур етказган масъуллардан бўлиб қичди. Гап шундаки, Кўкон шаҳар Архитектура ва қурилиш бошқармаси томонидан шаҳарнинг А.Навойи кўчасидаги 83-уйни бузиб, ўрнига савдо дўкони ва тураржой қуриш учун сув тармоғига улаш юзасидан қилинган мурожаат 7 иш кунда, Маҳрам қўчаси, 10-уй, 11-хонадонни тураржойдан нотуражойга — дорихонага айлантириш учун сув тармоғига улаш бўйича техник шарт бериш сўралган мурожаат эса 4 иш кунда қаноатлантирилган. Аслида Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сонли қарори билан тасдиқланган “Тadbиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низомга 2012 йилнинг 31 июлида киритилган ўзгариш ва қўшимчаларга биноан техник шарт 2 иш кунда берилиши лозим эди.

Бинобарин, вилоят адлия бошқармаси томонидан иккала Носиржонга нисбатан маъмурий баённома расмийлаштирилиб, тегишли судга тақдим этилди. Жиноят ишлари бўйича Фаргона ва Кўкон шаҳар судларининг қарорига мувофиқ ҳуқуқбузарлар маъмурий жаримага тортилди.

Анвархон ТўРАЖОНОВ,
Фаргона вилояти адлия бошқармаси
бош маслаҳатчиси

“НАМАНГАН ПАХТА САНОАТ” ХУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ

шу соҳа
заҳматкашларини
ҳамда барча
ватандошларимизни
байрам билан самимий
табриклайди!
Барчанинг эзгу
ишларига ривож, пок
ниятлари ҳамиша
ижобат бўлишини
тилайди.
Дастурхонимизни
ҳамиша қут-барака тарк
этмасин.
Истиқлол куёши мангу
порлайверсин!

Реклама ўрнида



ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР! “Асака” банк (ОАЖ)

куйидаги мақсадларга:

- ⇒ Аҳоли учун истеъмол товарлари (музлаткич, теле-аппаратура, мебель ва бошқа жихозлар) сотиб олишга;
- ⇒ Оилавий тадбиркорликни ва хунармандчиликни ривожлантириш учун;
- ⇒ Касб-хунар коллежлари ва бошқа таълим муассасалари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш учун

КРЕДИТЛАР АЖРАТАДИ

Кредитларни “Асака” банк (ОАЖ) барча филиалларида расмийлаштиришингиз мумкин.

“Асака” банк (ОАЖ) филиаллари кредит бўлимларининг телефон рақамлари:

Филиаллар номи	Телефон рақамлари	Филиаллар номи	Телефон рақамлари
Қорақалпоғистон филиали	8-361-223-72-59	Сирдарё вилоят филиали	8-367-225-28-61
Андижон вилоят филиали	8-374-224-56-98	Тошкент вилоят филиали	8-371-120-84-04
Асака филиали	8-374-233-15-32	Фарғона вилоят филиали	8-373-224-72-14
Фарғона филиали	8-374-226-96-93	Марғилон филиали	8-373-237-60-71
Бухоро вилоят филиали	8-365-223-11-15	Олтиноҳ йили филиали	8-373-432-19-80
Бухоро шаҳар филиали	8-365-770-00-34	Кўнғир филиали	8-373-552-61-01
Қашқадарё вилоят филиали	8-375-221-15-38	Хоразм вилоят филиали	8-362-226-96-03
Навоий вилоят филиали	8-436-770-21-28	Тошкент шаҳар филиали	8-371-120-83-00
Зарафшон филиали	8-436-573-18-82	Автомобиллар филиали	8-371-120-39-01
Наманган вилоят филиали	8-369-226-91-45	Шайхонтоҳур филиали	8-371-140-39-04
Самарқанд вилоят филиали	8-366-233-63-82	Юнусобод филиали	8-371-221-80-67
Афросиёб филиали	8-366-221-72-68	Сирғали филиали	8-371-257-44-10
Сурхондарё вилоят филиали	8-376-770-82-20	Жиззах вилоят филиали	8-372-226-34-90

Қўшимча маълумот учун телефонлар:
(8-371) 120-82-23, 120-81-83, 120-81-54.

“Асака” банк (ОАЖ) кўп каналли ягона “ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ” рақами:
(8-371) 120-82-88.

“Асака” банк — обод турмуш ва фаровон ҳаёт хизматида!

Хизматлар лицензияланган.




НАМАНГАН ВИЛОЯТИ “ҚИШЛОҚХЎЖАЛИККИМЁ” ХУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

мамлакатимизда аҳил-инок
яшаётган барча миллат
вакиллари Мустақиллигимизнинг
22 йиллик улуг байрами билан
табриклайди!

Бу азиз, муқаддас байрам
ҳаммага омад, бахт-саодат
олиб келсин. Турмушимиз янада
фаровон ва гўзал бўлиши йўлида
амалга ошираётган ишларимиз
натижаси бундан-да
самарали бўлсин.



“УЧҚЎРҒОНДОНМАҲСУЛОТЛАРИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ



барча юртдошларимизни
Мустақиллигимизнинг 22
йиллик байрами билан
самимий табриклайди!
Ватандошларимиз
хонадонига тинчлик-
тотувлик ҳамда
қут-барака тилайди.
Дастурхонимиз доимо
тўкин бўлсин.

“ТАБАССУМ СУПЕРМАРКЕТ” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

халқимизни улуг байрам —
Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги
билан чин дилдан муборакбод этади!
Юртимиз тинч, обод, осмонимиз
доимо мусарфро, халқимиз
эришаётган ютуқлар бундан-да
улкан ва самарали,
фарзандларимизнинг истиқболи
янада нурли ва саодатли бўлсин.
Оллоҳ назар қилган ватанимиз
ҳамиша гуллаб яшнасин.
Диёримиздаги тинчлик,
тотувлик ва фаровонлик
абдий бўлсин!



“ПОПДОНМАҲСУЛОТЛАРИ” ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

азиз
ватандошларимизни,
меҳнаткаш
элимизни,
миришкор деҳқону
соҳибкорларни
Мустақиллигимиз
байрами билан
табриклайди!
Юртимизга
тинчлик,
фаровонлик ва
хотиржамлик
тилайди.

